

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**АБДУСАМАТОВ БОБИР ЗАКИРОВИЧ**

**БОЛАЛАРДА ҚОРИН БЎШЛИҒИ АЪЗОЛАРИ ЭХИНОКОККОЗИДА  
ДАВОЛАШ ВА ТАШХИСЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.35 – Болалар хирургияси**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА  
ДОКТОРЛИК (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2017**

**Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**

**Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation**

**Абдусаматов Бобир Закирович**

Болаларда қорин бўшлиғи аъзолари эхинококкозида даволаш ва  
ташхислашни такомиллаштириш ..... 3

**Абдусаматов Бобир Закирович**

Совершенствование лечебно-диагностической  
тактики эхинококкоза органов брюшной полости у детей..... 29

**Abdusamatov Bobir Zakirovich**

Improvement of medical diagnostic tactics  
echinococcosis abdominal in children ..... 53

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 58

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**АБДУСАМАТОВ БОБИР ЗАКИРОВИЧ**

**БОЛАЛАРДА ҚОРИН БЎШЛИҒИ АЪЗОЛАРИ ЭХИНОКОККОЗИДА  
ДАВОЛАШ ВА ТАШХИСЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.35 – Болалар хирургияси**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА  
ДОКТОРЛИК (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2017**

**Докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.DSc/Tib136 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифасида [www.tashpmi.uz](http://www.tashpmi.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот - таълим тармоғига ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:** **Салимов Шавкат Тешаевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Поддубный Игорь Витальевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор (Россия)

**Шамсиев Жамшид Азаматович**  
тиббиёт фанлари доктори

**Эргашев Насриддин Шамсидинович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** «Н.И. Пирогов номидаги Россия миллий тадқиқот тиббиёт университети» Федерал олий касбий таълим давлат бюджет таълим муассаси (Россия Федерацияси).

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Тел./факс: (+99871) - 262-33-14; e-mail: [mail@tashpmi.uz](mailto:mail@tashpmi.uz)).

Докторик (DSc) диссертацияси билан Тошкент педиатрия тиббиёт институти Ахборот – ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_ - сон билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223 - уй. Тел./Факс: (+99871) 262-33-14).

Диссертация автореферати 2017йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2017 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А. В. Алимов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Э. А. Шамансурова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**А.М. Шарипов**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (докторлик диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) маълумотларига кўра дунёда йилига бир миллионга яқин кишида эхинококк касаллиги туфайли жаррохлик амалиёти ўтказилади, буларнинг 25%гача қисмини болалар ташкил этади, операциядан кейин 6,5% ҳолатларда қайталанишлар кузатилиб, узоқ муддатли тикланиш даврини талаб этади. Операциядан кейинги асоратлар 6–80%, ўлим ҳолатлари кузатилиши 3,1-8,6%, қайталанувчи ва резидуал эхинококкоз беморларнинг 3–54% кузатилади<sup>1</sup>. Эхинококкозни ташхислаш ва даволашда эришилган мувоффақиятларга қарамай, кўп тадқиқотчилар олинган натижалар билан қониқишмаяпти. «Сўнгги йилларда олинган маълумотлар бўйича, кистозли эхинококкоз ҳар йили бир миллиондан уч миллионгача ДАЛИ (ДАЛИ – ногиронлик сабабли бир йиллик тўлақонли ҳаёт кечириб имкониятининг йўқотилиши) йўқотилишига сабаб бўлади»<sup>2</sup>.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз аҳолисига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифати яхшиланди, касалликларни самарали даволаш учун кенг кўламдаги мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилди, замонавий моделлар жорий этилиб, пировардида салмоқли ижобий натижаларга эришилди. Бу жиҳатдан болалардаги жигар эхинококкозида кенг кўламда дастурий чора-тадбирлар амалга оширилиб, натижада саломатликнинг тикланилишига ҳамда операциядан кейинги асоратларни 18,4 дан 4,0% гача камайтиришга эришилди. Бугунги кунда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда муҳим вазифалар, жумладан, эхинококкоз касаллигини профилактика ва ташхислаш, замонавий технологияларни қўллашни кенгайтириш орқали юқори малакали, сифатли тиббий хизмат кўрсатиш болаларнинг ҳаёт сифатини оширишда муайян аҳамият касб этади<sup>3</sup>.

Жаҳон миқёсида эхинококкоз касаллигини эрта ташхислаш, даволаш ва унинг олдини олишга қаратилган тадбирларнинг юқори самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда, бу борада, организмда патологик ўчоқ ривожланишининг заминий асосларини ўрганишга, эхинококкоз хасталигига дучор бўлган беморларни эрта ташхислаш ва даволаш усуллари ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришга, ушбу патологиянинг юқишида ташқи хатар омилларининг таъсир эҳтимолини пасайтиришга қаратилган кенг қамровли илмий изланишлар

<sup>1</sup>Ибодов Х.И., Шарипов А.М. Оптимизация диагностики эхинококкоза легких у детей// Детская хирургия. – 2011. - №3. - С. 38-40; Kadry Z., Renner E. C., Bachmann L. M., Attigah N., Renner E. L., Ammann R. W. et al. Evaluation of treatment and long-term follow-up in patients with hepatic alveolar echinococcosis // Br J Surg. - 2005. – Vol. 92, №9. - P. 1110-1116.

<sup>2</sup>ЖССТнинг информацион бюллетени № 377, 2015.

<sup>3</sup>2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси

олиб борилмоқда; болалар ўртасида скринингли ташхислаш чора-тадбирларининг мутаносиб схемалари ишлаб чиқилмоқда; касаллик қайталанишларининг олдини олиш масалаларига, операциядан кейинги тикланиш даврида ҳамда хатар гуруҳига мансуб болалар орасида иммунологик тестларни ўтказишга, ташхислашнинг замонавий асбоб-ускуналарни усулларини қўллаш заруратини асослаб беришга катта эътибор қаратилмоқда; аҳоли орасида уларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга ҳамда касалликнинг олдини олишга йўналтирилган профилактика ишларининг туркум схемалари ишлаб чиқиш кабилар алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28 ноябрдаги ПҚ-1652-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2014 йил 19 февралдаги ПҚ-2133-сон «Соғлом бола йили» Давлат дастури тўғрисидаги ва 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари стратегияси тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>1</sup>.**

Болаларда қорин бўшлиғи аъзолари эхинококкозини ташхислаш ва хирургик даволашга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Agence nationale de sécurité sanitaire de l'alimentation, de l'environnement et du travail (Франция), Université de Franche Comté (CHU) Jean Minjoz (Франция), University of Connecticut Health Center (АҚШ), National Health and Medical Research Council (Австралия), Privat Hospital Obach (Швейцария), Post Graduate Institute of Medical Education and Research (Ҳиндистон), Xinjiang Medical University (Хитой), University of Pavia (Италия), Dokuz Eylul University (Туркия), Казанский медицинский институт (Россия), академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази ва Тошкент тиббиёт академияси (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Эхинококкоз касаллигини ташхислаш ва хирургик даволаш натижаларининг самарадорлигини оширишга йўналтирилган жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, куйидаги илмий натижаларга эришилган: эхинококк кистасининг қолдиқ бўшлиғига кимёвий, физикавий ва комбинацияланган сколексоцид ишловини бериш

---

<sup>1</sup>Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: <https://www.anses.fr/>, <http://www.univ-fcomte.fr>, <http://www.uconn.edu/>, <https://www.nhmrc.gov.au/>, <https://www.obach.ch/>, <http://www.pgimer.edu.in/>, <http://www.en.xjmu.edu.cn/>, <http://www.unipv.eu/>, <http://www.deu.edu.tr/>, <http://www.kgmu.kcn.ru/>, <http://www.tma.uz> ва бошқа манбалари асосида амалга оширилган.

максадида кўпроқ 100 фоизли глицерин эритмаси маъқул деб топилган; даволашнинг пункцияли ва эндоскопик усуллари ва эндовизуал эхинококкэктомиядан кейинги эрта қайталанишлар частотаси 30 фоизлиги аниқланган (Ўзбекистон, академик В.Вохидов номли Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази); паразитар кисталарни кам инвазив ҳамда робототехника билан хирургик даволаш вақтида 13% асорат кузатилган Federal Universiti of Acre (Бразилия); юқори эндемик ҳудудларда молекуляр, иммунологик ва визуализацияловчи кистоз ва альвеоляр эхинококкозни ташхислаш марказида кистоз эхинококк хажми бир йилда 1-2 мм.дан 10 ммга қадар ўсиши аниқланган Xinjiang Medical University (Хитой); эрта ташхислаш учун иммунофермент, полимераза занжир реакциялари ҳамда нур билан ташхислаш усуллари бажарилиши натижасида сезувчанлиги 80-90 фоизлиги исботланган University of Pavia (Италия), Agence nationale de sécurité sanitaire de l'alimentation, de l'environnement et du travail (Франция), Université de Franche Comté, Centre hospitalier univervtaire (CHU) Jean Minjot (Франция); болаларда қорин бўшлиғи аъзолари эхинококкозида даволаш ва ташхислашни такомиллаштирилган (Тошкент тиббиёт академияси (Ўзбекистон)).

Дунёда болалар эхинококкози касаллигини ташхислаш, аниқлаш ва жаррохлик амалиёти асосида даволаш бўйича қатор устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан, болаларда эхинококкоз касаллиги билан хасталанишини олдини олиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш; жигар ва ўпка қўшма эхинококкозида оптимал дифференциал даволаш усуллари яратиш; эхинококкэктомияларнинг кам инвазив, эндовизуал усуллари қўллашга кўрсатмаларни такомиллаштириш; болаларда қайталанувчи ва резидуал эхинококкоз касаллигини эрта ташхислашни такомиллаштириш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳозирги вақтда болаларда кам инвазив эхинококкэктомия усуллари катта эътибор қаратилган, бироқ тиббиётга тааллуқли нашрларда катталардаги эхинококкозга оид муаммолар ҳамда тадқиқотлар натижалари кўпроқ ўрин эгаллайди (Накверди С., 2008; Bristow В.Н., 2012). Замоनावий илмий манбаларда қайд этилишича, ҳозирги вақтга келиб жигар эхинококкозига учраган болаларнинг атиги 20-40% мутлақ кўрсатмаларга мувофиқ эндовизуал технологиялар, хусусан лапароскопия усулида операция қилинмоқда (Коеа J. В., 2012; Polat F. R., 2012). Болалардаги кам инвазив - эндовизуал эхинококкэктомияларга кўрсатмалар ниҳоятда чекланган, чунки болаларда қорин бўшлиғи аъзолари ва ўпкаларда ўтказилувчи эхинококкэктомияларда конверсиялар ва интраоперацион асорат-ларнинг асосий сабабларидан бири сифатида кўрилатган эндоскопик очиб киришни таъминлаш техникаси етарлича ишлаб чиқилмаган. А.А. Гумеров, Р.Х. Шангарееваларнинг фикрича (2010, 2013), мутлақ монеликлар туфайли: эхинококк кисталарининг (ЭК) диафрагма остида (VII-VIII сегментларда) жойлашуви, асоратланган, кўп сонли (2 тадан кўп кисталар), шунингдек диаметри 7-10 см дан ортиқ бўлган кисталар анъанавий - «очик» усул ёрдамида операция қилиниши лозим. Ўпкалар ва жигарнинг эхинококкозли қўшма зарарланишларида ҳозирги

вақтгача симультан торако - ва лапароскопик ЭЭ ўтказиш имкониятлари ҳамда, кўп сонли ва асоратланган паразитар кисталарни хирургик даволаш мунозарали масала бўлиб қолмоқда. З.Х. Шангареевнинг маълумотларига кўра (2013), эндовизуал эхинококкэктомиядан кейинги эрта қайталанишлар частотаси 6,2% га тенглашади.

Ўзбекистонлик олимлар эндовизуал эхинококкэктомия ҳамда эрта ташхислашда янгича усулларнинг ишлаб чиқилишига катта ҳисса қўшишган. Жигар эхинококкозини каминвазив технологиялар ёрдамида ташхислаш ва операция қилиб даволашни янада такомиллаштириш лозимлиги ҳақида деярли барча тадқиқотчиларнинг фикрлари муштаракдир. Эхинококкоз касаллигида видеоэндотехникани қўллашнинг аксарият масалалари ҳанузгача ишлаб чиқиш босқичида қолмоқда (Каримов Ш. И., 2008; Назиров Ф. Г., 1999, 2016; Ильхамов Ф. А., 2005).

Ўтказилган адабиёт манбалари таҳлили шундан далолат берадики, жигар эхинококкози ҳамда унинг қорин бўшлиғи бошқа аъзолари билан қўшма зарарланишларини ташхислаш ва даволаш янада такомиллаштирилиши зарур. Болаларда эндовизуал эхинококкэктомия (ЭЭ)га кўрсатмалар ва монеликларни аниқлашга услубий ёндошув даркор. Болаларда эндовизуал ЭЭнинг янгидан-янги усулларини ишлаб чиқиш ва уларни жорий этиш, уларнинг устуворлигини асослаб бериш лозим, бу эхинококкозли беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга имкон беради.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академияси илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Болаларда қорин бўшлиғи аъзолари эхинококкозида даволаш ва ташхислашни такомиллаштириш» (2012-2015 йй.) мавзуси доирасида бажарилган. ( Қайд рақами №011.00156 ).

**Тадқиқотнинг мақсади** эндохирургик операция усуллари кўрсатмаларини асосли тарзда кенгайтириш орқали болаларда жигар ҳамда қорин бўшлиғи бошқа аъзоларининг эхинококкозини даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

болаларда жигар эхинококкози, шунингдек жигар ва қорин бўшлиғида жойлашган аъзолар (ҚБА), жигар ва ўпканинг қўшма жароҳатларида анъанавий хирургик даволаш усулларининг қониқарсиз натижалари ва асоратланиш сабабларини таҳлил қилиш;

болаларда жигарнинг VII-VIII сегменти кисталарини лапароскопик эхинококкэктомия (ЛЭЭ) қилишнинг янги усулини ишлаб чиқиш, ишчи троакарларни киритиш нуқталарини аниқ ва тўғри белгилаш учун асос бўлувчи мезонларини илмий жиҳатдан асослаб бериш. Операцион ҳаракатларни амалга ошириш бурчаги (ОХБ) ва операцион майдон визуализациясини кенгайтириш учун беморнинг операцион столдаги оптимал ҳолатини аниқлаш;

муаллифлик конструкциясига асосланувчи аппарат ёрдамида эндовизуал эхинококкэктомияни бажариш вақтида кистанинг хитин



пардасини вакуумли экстракциялашнинг янги усулини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш методикасини ишлаб чиқиш;

жигар ва ҚБА, жигар ва ўпканинг қўшма жароҳатлари аниқланган бемор болаларда касалликнинг клиник босқичидан, жигар эхинококк кисталари (ЖЭК)нинг ўлчамлари ва сонидан қатъи назар эндовизуал эхинококкэктомия (ЭЭ)ни бажаришнинг афзаллигини илмий жиҳатдан асослаб бериш;

болаларда жигар, шунингдек унга қўшимча равишда ҚБА ва ўпканинг жароҳатланиши кузатилган ҳолларда лапароскопик ЭЭни амалга оширишга монелик қилувчи (йўл қўймайдиган) нисбий ва абсолют кўрсатмаларни аниқлаш;

болаларда жигар лапароскопик эхинококкэктомияси (ЖЛЭЭ)ни амалга ошириш техник, тактик ва даволаш нуқтаи назаридан қанчалик самарадор эканлигини аниқлаш. Жигар эхинококкози, шунингдек жигар ва ҚБА, жигар ва ўпканинг қўшма жароҳатлари борлиги аниқланган бемор болаларда эхинококкозни ташхислаш, оператив даволаш ва даволанган беморни реабилитация қилишнинг алгоритмини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида жигар эхинококкози, шунингдек жигарнинг қорин бўшлиғида жойлашган аъзолар (ҚБА) билан, жигар ва ўпканинг қўшма жароҳатлари мавжуд 208 нафар бемор болалар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб болаларда жигарнинг ҚБА ва ўпка билан қўшма жароҳатларида анъанавий ва эндовизуал ЭЭ амалга оширишда эрта ва кейинги даврлардаги натижаларнинг қиёсий таҳлилини амалга ошириш.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотни амалга ошириш жараёнида клиник, клиник-инструментал, биокимёвий, статистик таҳлил усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

жигар эхинококкози, жигар ҳамда қорин бўшлиғидаги бошқа аъзоларнинг қўшма зарарланишлари, жигар – ўпкалар зарарланишида ҳамда эхинококк кистаси йиринглаши, перфорацияси каби асоратли ҳолатларида беморларни оператив даволаш усули такомиллаштирилган;

илк маротаба болаларда жигарнинг VII-VIII сегментларидан эндовизуал лапароскопик эхинококкэктомияси ўтказилиши ишлаб чиқилган;

болаларда жигар ҳамда қорин бўшлиғидаги бошқа аъзоларнинг қўшма зарарланишларида бир босқичли эндовизуал лапароскопик эхинококкэктомия асослаб берилган;

болаларда жигар ҳамда ўпкаларнинг қўшма зарарланишларида симультан эндовизуал - торако ва - лапароскопик эхинококкэктомия ўтказилиш асослаб берилган;

ташхисловчи лапароскопия жараён тарқалишининг анатомик хусусиятларини аниқлаш ва оператив эхинококкэктомия тактикасини режалаштириш, қўшимча троакарларни киритишнинг қулай нуқталарини коррекциялаш имконини бериши исботланган;

жигардаги эхинококк кистасининг жойлашган ўрни, сони, ҳажми ва асоратларидан қатъий назар лапароскопик эхинококкэктомиянинг ўтказилиши эндовизуал эхинококкэктомияга кўрсатмаларни 87,5%га қадар кенгайтириш, операциядан кейинги нохуш асоратлар ҳолатларини қисқартириш, ва энг асосийси, боланинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини бериши исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ЖЭ бор бўлган беморларда касалликни аниқлаш тактикаси, шунингдек ҚБАда, ўпкада паразитар ўчоқларнинг мавжудлиги ва кистанинг йиринглаши, перфорацияси каби асоратлар пайдо бўлгани аниқланган бемор болаларда қўшма жароҳатларни аниқлаш мақсадида УТТ, МСКТ, ташхисловчи лапароскопия (ТЛ) каби диагностик усуллардан фойдаланиб ташхис қўйиш алгоритми такомиллаштирилган;

илк бор бемор болаларда жигарнинг VII-VIII сегментларида жойлашган ЭКни ЛЭЭ усули ёрдамида даволашнинг янгича усули ишлаб чиқилиб амалда фойдаланишга таклиф этилган;

ТЛни бажариш босқичида касалликнинг ривожланиш босқичи, патологик жараёнларнинг қанчалик тарқалганлигини аниқлаш учун муҳим саналадиган анатомик хусусиятлар ўрганилган ва оператив даволаш тактикасини режалаштириш алгоритми яратилган. Бу оператив жиҳатдан ишчи троакарларни киритиш мақбул бўладиган нуқталарини танлаш имконини бериши исботланган;

жарроҳлик амалиётида биринчи мартаба жигарнинг лапароскопик эхинококкэктомияси (ЖЛЭЭ)ни амалга оширишга нисбатан кўрсатма бўладиган маълумотлар ҳажмини янада кенгайтиришга имкон берувчи мезонлар аниқланиб, тизимлаштирилган;

ЭКларини анъанавий ва эндовизуал эхинококкэктомия усули ёрдамида даволашнинг қиёсий самарадорлиги баҳоланган;

тадқиқотлар натижалари асосида жигар эхинококкози (ЖЭ), шунингдек унинг бошқа ҚБА, ўпка билан қўшма жароҳатлари мавжуд болаларда касалликка ташхис қўйиш, даволаш тактикаси ва реабилитациясини оптималлаштириш бўйича амалий тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** илмий изланишда қўлланилган замонавий, бир-бирини тўлдирувчи клиник, клиник-инструментал, биокимёвий, статистик ва математик моделлаштириш усуллари билан тасдиқланган ҳамда етарли даражада беморларнинг сони, болаларда жигар ва қорин бўшлиғи бошқа аъзолари, ўпкаларнинг эхинококкозида даволаш ва ташхислашни ўзига хослигини такомиллаштирилганлиги, тадқиқот натижаларининг ҳалқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, изланишларимиз давомида синовдан ўтказилган гипотезалар асосида шакллантирилган илмий қарашлар, чиқарилган хулосалар ва амалий таклифлар болаларда ЖЭ, шунин-

гдек унинг қорин бўшлиғида жойлашган бошқа аъзолар, ўпка билан қўшма жароҳатларини эрта аниқлаш ва хирургик йўл билан даволашга катта ҳисса қўшади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти жигар эхинококкози аниқланган бемор болалар организми томонидан радикал эндовизуал хирургик ЭЭ ҳамда адъювант кимётерапиясини кўтара олишини аниқлашга имкон берувчи прогнозлар яратиш мезонларининг ишлаб чиқиши даволаш амалиётида лапаротомияни беҳуда бажаришдан сақланиш(тийилиш)га, хирургик аралашувдан сўнг юзага чиқиши мумкин бўлган нохуш асоратлар ва ўлим билан яқун топиш ҳолатларининг олдини олишга имкон беради. Олиб борилган илмий тадқиқотларимизнинг тиббий-ижтимоий самарадорлиги шундаки, ЖЭ бор беморларни даволашнинг янги техникаси ва тактикасини амалда қўллаш уларнинг стационар шароитида даволаниш муддатларини, хирургик аралашувдан кейинги даврларда асоратланиш ҳолатларининг сонини сезиларли даражада камайтиришга имкон беради.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Болаларда жигар ва қорин бўшлиғи бошқа аъзолари, ўпкаларнинг эхинококкозида даволаш ва ташхислашни такомиллаштиришга доир тадқиқотлар натижалар асосида:

болалар жарроҳлари, педиатрлар, клиник ординаторлар, магистрлар, поликлиника врачлари учун «Болаларда жигар эхинококкозини ташхислаш ва даволашнинг замонавий усуллари» ва «Болаларда ўпка эхинококкозини ташхислаш ва даволашнинг замонавий усуллари» услубий қўлланмалар ишлаб чиқилган ва соғлиқни сақлаш амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 24 августдаги 8д-3/71 сонли ҳулосаси). Мазкур қўлланмалар болаларда жигар ва ўпка эхинококкозини замонавий ташхислаш ва кам инвазив, эндовизуал жарроҳлик йўли билан бартараф қилиш имконини берган;

«Болаларда каминвазив эндовизуал хирургия» АТЛАСи, «Қорин бўшлиғи аъзоларининг эхинококкоз касаллиги», «Болаларда ўпка эхинококкози» ўқув-услубий қўлланмаси ишлаб чиқилган ва тасдиқланган («Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг» 2013 йил 20 декабрдаги қайд этиш рақами №484/094 – сон маълумотномаси);

Болаларда қорин бўшлиғи аъзолари эхинококкозида даволаш ва ташхислашни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси ва марказий касалхонаси, Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази Наманган филиалининг болалар хирургияси бўлими жарроҳларининг клиник амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 24 августдаги 8д-3/71 сонли маълумотномаси). Тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ этилиши операциядан кейинги асоратлар сонини 19,6% дан 9,4% гача камайтириш ва даволаниш муддатини ўртача 5,6 кунга қисқартириш, жигар ва қорин бўшлиғи аъзолари эхинококкозида 87,5% беморларда

лапароскопик эхинококкэктомияни муваффақиятли амалга ошириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 6 та халқаро ва 11 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 44 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 3 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар ва фойдаланган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 187 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган; тадқиқотларнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Болаларда қорин бўшлиғи аъзолари эхинококк-козида даволаш ва ташхислашни такомиллаштиришнинг замонавий тенденциялари**» деб номланган биринчи боби адабиётлар таҳлилига бағиш-ланган бўлиб, илмий изланишлар натижаларининг таҳлили, болаларда қорин бўшлиғи аъзолари (ҚБА) эхинококкозида ташхислаш ва эндовизуал эхинококкэктомиядаги замонавий муаммолари, ҳозирги кунда эхинококкэктомияларнинг мавжуд бўлган усуллари, адабиётларда ёритилган болаларда лапароскопик эхинококкэктомиясига мутлоқ ва нисбий қарши кўрсатмалар кўриб чиқилган. Операциядан кейинги яқин ва узоқ муддатларида кузатилиши мумкин бўлган иккиламчи асоратлари ва касалликнинг қайталаниши таҳлил қилинган. Ушбу боб таҳлилларни умумлаштирувчи хулосалар билан якунланади.

Диссертациянинг «**Болаларда қорин бўшлиғи аъзолари эхинококк-козида даволаш ва ташхислашни такомиллаштиришни методологияси**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот учун хизмат қилган асосий иш материаллари ва тадқиқот усуллари баён этилган. Мазкур иш 1996 – 2016 йилларда ЖЭ, шунингдек ЖЭнинг ҚБА ва ўпка соҳасидаги ўчоқлар билан кўшилиб ривожланаётган жароҳатлар борлиги туфайли оператив даволаш амалиёти ўтказилган 208 нафар беморни клиник шароитда кузатиш натижалари таҳлилига асосланган. ЖЭ – 139 нафар

(66,8%), жигар ва ҚБАнинг қўшма эхинококкози – 23 нафар (11,0%), жигар ва ўпканинг қўшма жароҳати – 30 нафар (14,4%) ҳолатда аниқланди. Анъанвий ва экспериментал даволаш амалиётини қиёсий тавсифлаш учун беморлар 2 гуруҳга ажратилди. Биринчи, назорат гуруҳи - жигар ҚБА ва ўпка эхинококкози билан оғриган 112 (53,8%) беморни ўз ичига олиб, уларда 1996-2006 йилларда «очик» усулда анъанавий ЭЭ ўтказилган. Иккинчи, асосий гуруҳ 2007-2016 йилларда Республика болалар кам инвазив ва эндовизуал хирургия илмий-амалий маркази (РБКИваЭХИАМ)да даволанган 96 нафар (46,2%) бемордан иборат бўлиб, уларни оператив даволашда асосан кам инвазив эндовизуал технология қўлланилган.

Аксарият ҳолларда болалар клиникага жигарнинг чегараланган жароҳати билан қабул қилинган – 139 нафар (66,8%), эхинококкознинг қўшма шакллари 53 нафар (25,5%)ни ташкил қилди, кўп сонли ЖЭ 16 (7,7%) ҳолатда аниқланди (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### Эхинококк кисталарини жойлашишига мос равишда беморларни тақсимланиши

Жароҳатнинг жойлашиши	Беморларнинг тақсимланиши					Жами	
	Назорат гуруҳи		Асосий гуруҳ		P		
	абс.	%	абс.	%		абс.	%
Жигарнинг алоҳида соҳасида жойлашган эхинококкоз	73	65,2	66	68,8	>0,05	139	66,8
Жигарнинг кўп сонли жароҳатланиши	8	7,1	8	8,3	>0,05	16	7,7
Жигар ва ўпка эхинококкозининг қўшилиши	17	15,2	13	13,5	>0,05	30	14,4
Жигар эхинококкозининг ҚБАлар билан қўшилиши	14	12,5	9	9,4	>0,05	23	11,1
Жами	112	53,8	96	46,2	>0,05	208	100

Кўп ҳолатларда жигар эхинококки шикастланган аъзонинг VII-VIII сегментларида - 94 (45,2%) жойлашгани аниқланди, жумладан 32 (15,4%) болада кисталар жигарнинг VII-VIII сегменти ҳамда ёндош сегментларида жойлашгани аниқланди. 114 (54,8%) ҳолатда ЭК шикастланган аъзонинг VII-VIII сегментларида эмас, балки жигарнинг бошқа сегментларида жойлашгани маълум бўлди (2-жадвал).

**Жигар эхинококк кисталарининг жойлашишига кўра тақсимланиши**

ЭКнинг жойлашишига кўра тақсимланиши	Назорат гуруҳи		Асосий гуруҳ		P	жами	
	абс.	%	абс.	%		абс.	%
7-8 сегмент	34	30,4	28	29,2	>0,05	62	29,8
7-8 ва бошқ.	19	17,0	13	13,5	>0,05	32	15,4
Бошқа сегментлар	59	52,7	55	57,3	>0,05	114	54,8
Жами	112	53,8	96	46,2	>0,05	208	100,0

Тадқиқотлар натижасида олинган маълумотлар статистик ишлов бериш функциялари киритилган Pentium-IV персонал компютерида Microsoft Office Excel-2007 дастурий пакети ёрдамида статистик ишланди.

Диссертациянинг «**Болаларда жигар, қорин бўшлиғида жойлашган аъзолар ва ўпканинг анъанавий эхинококкэктомияси натижалари**» деб номланган учинчи бобида 3-17 ёшли 112 нафар болада 1996-2006 йилларда ўтказилган жигар, ҚБА ва ўпканинг анъанавий ЭЭ натижалари таҳлил қилинган.

Операциядан кейинги жароҳатнинг йиринглаши ва иккиламчи битиши 8 (7,1%) ҳолатда, қолдиқ бўшлиқ (ҚБ)нинг йиринглаши 3 (2,7%) ҳолатда қайд этилди. 47 (42,0%) ҳолатда жигар эхинококкэктомия (ЖЭЭ)си ўтказилгандан сўнг кузатишнинг узоқ даврида ҚБнинг ривожланиши аниқланди. Эхинококк билан оғриган беморларни анъанавий усулда даволаш натижаларининг қиёсий таҳлили эндовизуал ЭЭнинг янги, замонавий усуллари қўллаш билан ЖЭЭ нинг бажарилиши, шунингдек унга қўшимча равишда ҚБА жароҳатларининг кузатилиши касалликни аниқлаш ва даволаш тактикасини такомиллаштиришни давом эттириш лозимлигини кўрсатди.

Диссертациянинг «**Болаларда жигар, қорин бўшлиғида жойлашган аъзолар ва ўпканинг кам инвазивли эхинококкэктомияси натижалари**» деб номланган тўртинчи бобида 2 та алоҳида гуруҳга ажратилган беморларни оператив йўл билан даволашнинг амалий натижалари қиёсий жиҳатдан таҳлил этилган.

Мавзуга оид илмий адабиётларда келтирилишича, бемор болаларда ЛЭЭни қуйидаги шарт-шароитларда мутлақо бажариш мумкин эмас: диаметри 8-10 смли бўлган эхинококк киста (ЭК)ларини (адабиётларда келтирилишича, бундай кисталар 20,7% ҳолларда, биз тўплаган маълумотлар бўйича эса 31,2% ҳолларда учраши аниқланган); ЭК жигарнинг ички қисмида, VII-VIII сегментлари соҳасида жойлашганида; қайталаниш хусусиятига эга бўлган эхинококк аниқланган ҳолларда, яъни жароҳатланган аъзодаги паразит ҳаётининг циклининг иккинчи (она


гидатиданинг ўлик ҳолдаги паразитар ҳосиласи аниқланган) ва учинчи (асоратлар келтириб чиқарган) даврларида.

Ҳозирги вақтда ЛЭЭни амалга оширишга мутлақ равишда монелик қилувчи шарт-шароитлар, биз томондан асосли равишда «нисбий» деб топилди. Бу ҳол бизни бемор болаларда ЛЭЭни бажариш учун тиббий кўрсатма бериш имкониятларини нисбатан кенгайтирилди.

Илмий тадқиқотларимиз давомида биз 2006 – 2016 йиллар мобайнида жигар соҳасида ЛЭЭ амалиёти бажарилган, ўртача ёш фарқи 3-17 ёшни ташкил қилувчи, 96 нафар беморни (улар асосий гуруҳни ташкил этишган) кузатишга муваффақ бўлдик. Асосий гуруҳдаги беморларнинг аксарияти 7 ёшдан катта (88,5%) болалар эди. Солитар кисталар 66 нафар беморда (68,7%), кўп сонли кисталар мавжудлиги 30 нафар беморда (31,3%), шу жумладан 21 нафар беморда (21,9 ±5,3%) бир вақтнинг ўзида 2 та киста борлиги аниқланди. Даволаш жараёнида жами 149 та, улар жумласида 55 ҳолда (36,9%) кичик ҳажмли, 59 ҳолда (36,9%) ўртача ҳажмли, 23 ҳолда (15,4%) катта ҳажмли, 12 ҳолда (8,1%) жуда катта ЭК аниқланиб, жарроҳлик йўли билан олиб ташланди.

Аксарият ҳолларда 41 нафар бемор (42,7%) ЭК жигарнинг VII-VIII сегментлари соҳасида, улардан 13 нафарида (13,5%) кисталар бир вақтнинг ўзида жигарнинг VII-VIII сегментлари ҳамда кўшни соҳаларда жойлашгани маълум бўлди.

7 нафар бемор болаларда (7,3%) ташхисловчи лапароскопия (ТЛ) ўтказилди, бироқ техник сабабларга кўра ЭЭни охирига етказишни уддалаб бўлмади. Ушбу болаларда конверсия амалга оширилди. Бунга қуйидаги шарт-шароитлар сабаб бўлди: «кўп сонли рецидивланувчи эхинококкоз» ташхиси қўйилган 4 нафар бемор (4,2%); жигарнинг кўп сонли ЭК мавжуд бўлган 1 (1,1%) нафар беморда – жигарнинг ҳамма сегментларида тарқалган кисталар; 2 нафар беморда (2,1%) кучли битишма ва яллиғланиш жараёнлари мавжудлиги учун конверсия амалга оширилди (1-расм).



1-расм. Диагностик лапароскопияда конверсияга ўтиш сабаблари

Шундай қилиб, асосий гуруҳга киритилган жигарнинг ЛЭЭсини амалга

оширишга мутлақ равишда монелик кўрсатадиган шарт-шароитлар мавжудлиги аниқланган 12 нафар беморда (12,5%) анаъанавий ЖЭЭ, жумладан ТЛдан сўнг - 7 нафар беморда (7,3%) ўтказилди (3-жадвал).

3-жадвал

**Асосий гуруҳ беморларида ЛЭЭГа абсолют қарши кўрсатмалар ва уларнинг сегментлар бўйлаб жойлашуви (n=96)**

ЭБП асоратлари	ЭКнинг сегментар жойлашуви						жами	
	7-8 сегмент		7-8 ва бошқ.		Бошқа сегментлар			
	абс.	%	абс.	%	абс.	%	абс.	%
Рецидивли ЖЭК	3	3,1	2	2,1	2	2,1	7	7,3
Жароҳатланган аъзонинг ешилишига олиб келган ЭК	2	2,1	1	1,0	1	1,0	4	4,2
Кўп сонли ЭК	-	0	1	1,0	0	0	1	1,0
Жами	5	5,2	4	4,2	3	3,1	12	12,5

Кўриниб турибдики, ЖЭЭнинг рецидивланувчи ҳолатларида жигарнинг VII-VIII сегментлари соҳасида аниқланган шикастланишлар аксарият кўпчиликни ташкил қилиши аниқланди. Улар билан бир қаторда жигарнинг бошқа ёндош сегментларидаги ЭК кўпчиликни ташкил қилиб, ушбу кўрсаткич 41,6% га тенг (12 тадан 5 ҳолатда).

**Жигарнинг VII-VIII сегментлари соҳасида лапароскопик эхинококкэктомияни бажаришнинг янги усулини илмий жиҳатдан асослаш** деб номланган бўлимида, гарчанд ЛЭЭ бажариш вақтида эндовизуал кесмани амалга ошириб кириш йўлини (ЭКБК) белгилаш масалалари мутахассислар орасида кенг муҳокамага сабаб бўлсада, айрим ҳолатларда ЭКБКни бажариш тактикаси охиригача ўрганилмай қолмоқда. Мавзуга оид мавжуд адабиётларда биз диафрагма остида, айнан жигарнинг VII-VIII сегментлари соҳасида жойлашган ЭКка оператив усулда таъсир қилиш мақсадида кириш йўлини танлаш учун экстраабдоминал жиҳатдан аниқ параметрларни белгилашга имкон берадиган кўрсаткичларини топа олмадик. Мазкур масаланинг ечимини топиш ва илмий жиҳатдан асослаш асосий вазифаларидан биридир.

Одатда, қорин бўшлиғидаги аъзоларда юз бераётган патологик ўзгаришларни аниқлаш учун бажариладиган текширув муолажалари фақатгина лапароскоп учун биринчи торакопортни жойлаштириш муаммосини ҳал этиш билан кифояланади, лекин, бизнинг назаримизда, операция вақтида ишчи инструментларни бўшлиққа киритиш учун зарур нуқталарни белгилашга имкон берувчи аниқ мезонлар мавжуд эмас. Шу билан бирга, фикримизча (кейинчалик ёндашувимиз тўғрилиги тасдиқланди), айнан беморнинг операцион столдаги ҳолатини тўғри белгилаш ва қўшимча портларни ўрнатиш учун тактик жиҳатдан қулай жойни аниқлаш жигарнинг VII-VIII сегментлари соҳасида ЛЭЭни бажариш вақтида эндоскопик операциянинг муваффақиятини ка-



фолатловчи операцион майдонни визуал даражада аниқлаш доирасининг кенгайтирилишини таъминловчи асосий бўғинлардан бири ҳисобланади.

Ҳаракатларимизга асос қилиб олинган илмий ғояларни асослаш мақсадида биз авваламбор, «жароҳатланган бўшлиқни очик ҳолатдаги фазовий тавсифларини баҳолаш» масалаларига оид фикр-мулоҳазаларини, иш тажрибаларини баён этган ўтмишдаги ва ҳозирги вақтдаги қатор тадқиқотчиларнинг ишларига мурожаат этдик, қолаверса, ҚБА соҳасида лапароскопик операцияларни бажариш вақтида эндовизуал кириш йўлини тўғри танлаш масалалари хусусида фикр билдирган замонавий мутахассис олимларнинг маълумотларига таяндик. Ушбу муаллифларнинг таъкидлашича, « $90^\circ$  га тенг операцион ҳаракат бурчаги (ОХБ) – оператив ҳаракатларни ишонч билан,  $25^\circ$  - қатъий ишонч билан бажариб бўлмайдиган,  $10-14^\circ$  - амалга оширилиши жуда қийинчилик билан кечадиган нуқталар ҳисобланади».

Мазкур хулосаларга таяниб, биз клиник мисолда ОХБ имкониятларини оширишга имкон берувчи ҳисоб-китобларни амалга оширдик. Операция қилиниши лозим бўлган бемор бола горизонтал ҳолатда ётқизилиб пневмоперитонеум қўйилганидан сўнг ОХБ (операцион жароҳат чегаралари ва хирургик аралашув талаб этиладиган объектнинг ўрни билан белгиланади – жароҳат чегаралари жигарнинг висцерал юзаси ва ўнг қовурға остининг ички юзасидан ташкил топган)  $30^\circ-40^\circ$  ни ташкил этди (2 ва 3- расм). Бироқ, бемор бундай ҳолатда ётганида жигарнинг диафрагма юзасида жойлашган ЭК(лари) кўзга ташланмайди. Негаки, эндотрахеал наркоз қўлланилганида миорелаксантларнинг таъсири туфайли ва пневмоперитонеум қўйилгани сабабли босимнинг 14-16 мм симоб устунигача кўтарилиши оқибатида мазкур бурчак катталашади. Бу ҳол эластик хусусиятга эга бўлган кўкрак қафаси ва қорин девори бўшлиғи ичида кўтарилган босим таъсири остида чўзилади. Бу кузатилаётган объект соҳасини кенгайтириш имконини беради.



2-расм. Операцион столда беморнинг дастлабки горизонтал ҳолати



3-расм. Операцион столда беморнинг горизонтал ҳолатида жигарнинг визуализацияси (ОХБ =  $30^\circ-40^\circ$ )

Пневмоперитонеум қўйилгандан сўнг ОХБ даражасининг катталашувига кўшимча равишда таъсир қилувчи омил шундан иборатки, катта ёшлилардан фарқли ўлароқ болалар организмнинг тўқималари жуда чўзилувчан бўлиб бу ёшда тўш-қовурға бирикмаси тоғайсимон тузилмадан иборатлиги сабабли тўқималар босим остида осон чўзилади. Шунинг учун қорин бўшлиғи соҳасида босимнинг нисбатан озроқ оширилиши ҳам кузатув бурча-

гининг кенгайишини таъминлайди ва ички аъзоларнинг ҳолатини аниқ тасаввур этишга имкон беради. Жигарнинг VII-VIII сегментлари соҳасида ЛЭЭ бажариш вақтида жароҳат ўрнини кўриш майдонини катталаштириш ва ишчи инструментлар билан муолажалар ўтказишнинг қулай бўлиши учун қуйидаги кетма-кетликдаги ҳаракатларни амалга оширдик:

- бемор бола операцион столда аниқ горизонтал ҳолатда ётқизилиб, пневмоперитонеум қўйилади ва ҚБА яхшилаб текширилади, қорин ичидаги аъзоларнинг ҳолати баҳоланади (битишма, аъзоларда ЭК мавжудлиги, кисталарнинг жойлашуви ва ҳ.к.);

- бемор бошини 30-35°га кўтарилган ҳолатда ётқизилса, жигар ўзининг вазни ва боғламларнинг эластиклиги, шунингдек мушакларнинг миорелаксацияси туфайли (эндотрахеал наркоз вақтида қўлланиладиган миорелаксантлар таъсирида) осилиб қолади. Бу ОХБнинг 50-60° гача катталашувини таъминлайди, бироқ бу жигарнинг VII-VIII сегментлари соҳасида хирургик муолажаларни эркин бажариш учун етарли эмас;

- аввалги шартларга қўшимча равишда беморни 25-35° остида чап ёнга буриб ётқизсак жигар ўзининг оғирлиги туфайли янада кўпроқ осилади ва унинг диафрагмал юзаси яхшироқ кўринади. Бу ўз навбатида ОХБни 70-80° гача оширади ва жигарнинг VII-VIII сегментлари соҳасида ЭКни аниқ кўриш, хирургик муолажаларни эркин ўтказиш, ЛЭЭни бевосита амалга ошириш имкони пайдо бўлади.


Операциянинг ишчи портларни киритиш нуқталарини аниқлашга қаратилган иккинчи босқичини амалга ошириш вақтида биз ҚБАда лапароскопик операцияларини бажариш учун муҳим оптимал шарт-шароитларни яратиш, яъни, троакарларни танага суқиш нуқталарини, бемор танасининг операцион столдаги ҳолатига (мазкур услуб бизнинг клиникамизда ишлаб чиқилди) боғлиқ ҳолда ишчи портлари орасидаги масофани аниқлаш мезонига амал қилдик. Ишлаб чиқилган усулбни ЭК билан зарарланган жигарнинг VII-VIII сегментлари соҳасида ЛЭЭни бажаришда қўлладик.

Иккинчи босқичда асосий вазифамиз ишчи портларни киритиш нуқталарини тактик нуқтаи назардан тўғри танланганини асослаб беришдан иборат эди. Троакарларни жойлашиши «стандарт» схемалардан фарқ қилади, бироқ бу вазиятда оператив аралашувнинг самарали яқун топиши учун муайян шароитлар яратилдики, биз уларни математик ҳисоблар билан асослаб берганмиз. Тактик жиҳатдан аҳамиятли бўлган мазкур масалани ҳал қилиш учун хирургнинг ўнг ва чап қўлини операция қилинаётган аъзога нисбатан қандай жойлаштирилиши лозимлигини аниқлаш мақсадида турли режимлар синаб кўрилди. Режимлар 5 дан 85<sup>0</sup> гача бўлган ораликда 5<sup>0</sup> даражали фарқ билан текширилди. Режимларнинг умумий сони 289 ни ташкил этиб, уларнинг ҳар бири бўйича эксперт мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари ўрганилди.

Шундай қилиб, операция вақтида қорин бўшлиғида ўтказиладиган муолажаларни амалга ошириш учун яратилган шарт-шароитларни баҳолашнинг математик модели болаларда жигарнинг VII-VIII сегментлари

соҳасида ЛЭЭни бажариш вақтида биз таклиф этган тактикадан фойдаланишнинг тўғрилигини исботлайди.

**Жигарнинг VII-VIII сегментлари соҳасида лапароскопик эхинококк-кэктомияни бажариш техникаси.** Операцион столда бемор орқаси билан ётади. Хирург чап, ассистент ўнг томонда жойлашади. Киндикдан паст ёки юқорироқда ярим ойсимон кесма амалга оширилиб, биринчи видеооптика сифатида хизмат қилувчи 11 мм троакар параумбиликал киритилади. Сўнгра ТЛ амалга оширилиб, ЭКни жойлашган ўрни аниқланади (4- ва 5 - расмлар).



4-расм. Жигарда ЭКни жойлашишини аниқлаш (IV-V сегмент эхинококк кистаси)




5-расм. Жигарнинг VIII сегментидаги ЭК


Шуни қайд этиш жоизки, жигарнинг VII-VIII сегментлари соҳасида ЛЭЭни бажариш қатор техник қийинчиликларга эга, бундай операцияларни амалга оширишда маълум тажриба талаб қилинади. Киндикдан 0,5 см юқори соҳада биринчи 11 мм троакар киритилганидан сўнг пневмоперитонеумни ҳосил қилдик. Мазкур порт орқали видеокамера ўрнатилган 10 мм оптика киритилди ва юқорида ёзилган бемор ҳолати кетма-кетлиги қўлланилади.

Киста пункцияси ЖЛЭЭнинг биринчи босқичи ҳисобланади. Пункция техникаси ва паразит тарқалиши эҳтимолининг олдини олиш учун тегишли ускуналардан ўринли ва унумли фойдаланиш операциянинг асептиклигини таъминлаш ва ЭКнинг қорин бўшлиғига тушишига йўл қўймасликда биринчи даражали аҳамиятга эга. Пункцион игна кистанинг жойлашишига мос равишда 5 мм троакар орқали ёки тери остидан киритилди (6-расм).

Жигар капсуласи игна (игна узунлиги 150мм, диаметри - 20мм) билан тешилиб киста бўшлиғига киргандан сўнг электроотсос ёрдамида эхинококк суюқлиги олиб ташланди. Сўнгра игна орқали ҚБга 10 дақиқали экспозиция билан 100%ли глицерин эритмаси юборилиб сўнг электроотсос ёрдамида олиб ташланди. Кейин электрохирургик қайчи ёрдамида фиброз капсула очилди ва киста бўшлиғига хитин парданинг вакуумли экстракцияси бажарилди ва киста қолдиқларини олиб ташлаш учун киста бўшлиғига махсус мослама ўрнатилган вакуум отсос киритилди (7-расм).




6-расм. Киста пункцияси ва эхинококк суюқлигининг аспирацияси



7-расм. Хитин парданинг вакуумли экстракцияси

Хитин парданинг вакуумли экстракцияси бизнинг клиникада ишлаб чиқилган хитиноэвакуатор аппарати ёрдамида амалга оширилди (8-расм).




8-расм. Хитиноэвакуатор


Киста ҚБни бартараф этиш оператив аралашувнинг сўнгги босқичи ҳисобланади. Кистанинг ҚБ чуқурлиги 5 смгача бўлганида биз жароҳат ўрнини Ethibond №2,0 ипи билан экстракорпорал чок қўйиб тикишни мақсадга мовофиқ деб топдик. ҚБ чуқурлиги 5 смдан ортиқ, бўшлиқнинг асоси кенг бўлган ҳолларда оментопексия билан абдоминизация амалга оширилди (9- ва 10-расмлар).

Чарвининг ўлчамлари кичик бўлганида унинг соҳасидаги патологик ўзгаришларни бартараф этиш учун ҚБни дренажлаш амалга оширилди. Бунинг учун учларида 2-3 ён тешиклари бўлган силикон найдан фойдаланилди.

Майда ўт оқмалари аниқланган ҳолларда улар коагуляцияланди ёки PDS 4/0 ипи ёрдамида тикилди.




9-расм. Ethibond №2,0 ипи билан киста қолдиқ бўшлиғининг капитонажи



10-расм. Киста қолдиқ бўшлиғининг оментопексияси

Жигарнинг VII ва VIII сегментлари соҳасида ЛЭЭнинг кейинги босқичлари лапароскопик ЭЭнинг умумий қабул қилинган усуллари ёрдамида амалга оширилди.



11-расм. Кисталарнинг диафрагма остида жойлашишида троакарларни киритишнинг энг оптимал нуқталари (видеооптика учун - 1-11 мм троакар; ишчи инструментлар учун - 2,3-5,0 мм троакарлар; 4 – хитин парда, салфетка ва бошқаларни олиб ташлаш учун 11 мм ли троакар).

Шундай қилиб, биз жигарнинг VII-VIII сегментлари соҳасида ЭК бор бемор болаларнинг операцион столда беморни жойлаштиришнинг оптимал ҳолатини ва ишчи портларни киритишнинг оптимал нуқталарини аниқладик (11-расм).

Асосий гуруҳдаги 70 нафар беморда (76,9%) таклиф этилган ЖЛЭЭни муваффақиятли яқунлашга эришилди (4-жадвал).

#### 4-жадвал

#### Асосий гуруҳ беморларида жигар эхинококкэктомияси натижалари

Оператив усул ва тактика	ЖЭКнинг жойлашиши						жами	
	VII-VIII сегментлар		VII-VIII ва бошқа сегментлар		Бошқа сегментлар			
	абс.	%	абс.	%	абс.	%	абс.	%
ЖЛЭЭ	21	21,9	9	9,4	40	41,6	70	72,9
Видеоассистирлаш билан минилапаротомия	3	3,1***	0	0	11	11,5***	14	14,6***
ЖТЭЭ конверсияси	3	3,1***	2	2,1*	2	2,1***	7	7,3***
ДЛсиз ЖТЭЭ	1	1,0***	2	2,1*	2	2,1**	5	5,2***
Жами	28	29,1	13	13,5	55	57,3*	96	100,0***

Изоҳ: \* - фарқлар ЖЛЭЭ гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (\* -  $P < 0,05$ , \*\* -  $P < 0,01$ , \*\*\* -  $P < 0,001$ )

4-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, таклиф этилган янги интраоперацион тактика туфайли болаларда ЖЛЭЭни амалга



оширишга нисбатан кўрсатмалар доирасини сезиларли равишда кенгайтириш имконияти пайдо бўлади. Ўйлашимизча, бу кўрсаткичлар – 87,5% гача (70 - ЖЛЭЭ + 14 видеоассистирлаш билан 14 ЭЭ, жами 84 нафар бемор) етиши мумкин. Бу илмий адабиётларда келтирилган маълумотларга нисбатан 2 мартадан зиёд.

ЭК жигарнинг VII-VIII сегментларида жойлашганида ўтказилган ЖЛЭЭ натижалари 5-жадвалда келтирилган.

Жадвалдан кўринишича, ЭК жигарнинг VII-VIII сегментларида жойлашганида 87,7% гача ҳолатларда каминвазив усуллар ёрдамида жигар ва қорин бўшлиғининг бошқа аъзоларида ЛЭЭни амалга ошириш мумкин. Агар болаларда ЖЛЭЭ амалга ошириш учун адабиётларда келтирилган кўрсатмаларга амал қилинса, асосий гуруҳдаги ЖЭ ва ҚБА ва ўпканинг қўшма эхинококкозлари билан хасталанган 96 нафар бемордан атиги 38 (39,6%) тасида ЛЭЭ ўтказиш мумкин бўларди, қолган барча ҳолатларда (61%) «очик» усулда анъанавий ЭЭ ўтказилиши лозим эди.

